Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

# Ўзбекистонда парфюмерия-косметика тармоғини ривожлантириш юзасидан таклифлар



**Аннотация**

Парфюмерия-косметика саноати жаҳон иқтисодиётининг **ўзига хос тармоқларидан** бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, илғор фан ва ҳашамат индустрияси элементларини ўзида мужассам этади. У **кўп босқичли қўшилган қиймат яратиш занжиридан** иборат бўлиб, асосий даромад хомашё етиштириш босқичида эмас, балки уни қайта ишлаш, стандартлаштириш, ингредиентлар ишлаб чиқариш, рецептуралар яратиш ва тайёр маҳсулотни бозорда илгари суриш босқичларида шаклланади.

Ушбу тармоқ юқори **рақобат**, бозорга кириш учун жиддий технологик ва меъёрий **тўсиқлар**, шунингдек, маҳсулот сифати, у қаерда ва қандай тайёрланганини текшириб бориш имконияти ҳамда унинг хавфсизлигига қўйиладиган қатъий талаблар билан ажралиб туради. Бошқа томондан, бу **даромад келтирувчи ва барқарор ривожланаётган бозор** бўлиб, у **бир нечта макротрендлар** – табиий ҳамда органик маҳсулотларга бўлган талаб, ароматерапия ва соғлом узоқ умр кўриш индустриясининг ривожланиши, шунингдек, хомашёнинг экологик тозалиги ва келиб чиқишининг шаффофлигига нисбатан талабларнинг ошиши ҳисобига шаклланади.

**Ўзбекистон** учун мазкур тармоқ **алоҳида аҳамиятга** эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифаларни ҳал этиш имконини беради: **юқори қўшилган қийматли** маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, **экспорт салоҳиятини** кенгайтириш, янги **компетенцияларни** шакллантириш, **кўп сув талаб қиладиган** экинларга қарамликни камайтириш ва, энг муҳими, қишлоқ жойларда **янги иш ўринлари** яратиш.

Шу билан бирга, тармоқни ривожлантириш учун камида **5-10** йил талаб этилиб, бу жараён хомашё етиштириш ва қайта ишлашдан тортиб илмий база, сертификатлаш тизими ва савдо каналларини яратишгача – **бир неча даражада** бир вақтда ва **ўзаро боғлиқ ҳолда** амалга оширилиши лозим.

Шу муносабат билан парфюмерия ва косметика учун табиий ингредиентлар жаҳон бозорининг **таҳлили** ўтказилди, бу борада **Ўзбекистоннинг рақобат устунликлари** баҳоланди ҳамда истиқболда **450-500 млн долларгача** қўшимча экспорт ва **60 минг** нафаргача бандликни таъминлай оладиган, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар **импорти ўрнини босиш** учун шароит яратадиган **экспортга йўналтирилган янги тармоқни** шакллантириш бўйича **таклифлар** тайёрланди.

С.Умурзаков

## МУНДАРИЖА


I. Ўзбекистонда парфюмерия-косметика тармоғини ривожлантириш истиқболлари.....1

II. Жаҳон парфюмерия ва косметика товарлари бозори таҳлили.....4

III. Ўзбекистон парфюмерия-косметика тармоғининг бозори ва салоҳияти.....8

IV. Ўзбекистон учун парфюмерия-косметика тармоғининг жозибадорлиги ва унга тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлили.....14

V. Ўзбекистонда парфюмерия-косметика тармоғини ривожлантириш бўйича таклифлар.....21


© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

## *I. Ўзбекистонда парфюмерия-косметика тармоғини ривожлантириш истиқболлари*

**Марказий Осиёда** сув танқислигининг ортиб бориши, асосий транзит йўналишлари атрофидаги геосиёсий рақобатнинг кучайиши, жаҳон савдосининг **парчаланиши** ҳамда маҳаллий меҳнат бозорини ривожлантириш зарурати **Ўзбекистондан** иқтисодиёт таркибини қайта кўриб чиқишни ва ресурс талаб қиладиган хомашё моделидан **юқори даромад келтиралиган замонавий илм-фанга асосланган тармоқларни** ривожлантиришга ўтишни жадаллаштиришни талаб этмоқда.



Шу нуқтаи назардан, бугунги кунда **Ўзбекистоннинг** стратегик манфаатларига жавоб берадиган, истиқболли, бироқ ҳали тўлиқ фойдаланилмаган йўналишлардан бири **парфюмерия-косметика саноати** бўлиши мумкин. Тармоқни ривожлантириш учун асос бўладиган далиллар қуйидагилардан иборат:

### а. “Икки карра ёпиқлик” таъсирини бартараф этиш

**Ўзбекистон** – экспорт юклари жаҳон океанига чиқиш учун камида **иккита** чегарани кесиб ўтишга мажбур бўлган дунёдаги **иккита** давлатдан **бири**. Бу оғир, кам даромад келтирадиган юкларни ташишда мамлакатнинг рақобатбардошлигини пасайтиради. Парфюмерия маҳсулотлари, юқори технологик концентратлар ва эфир мойлари эса **бутунлай қарама-қарши тоифага** мансуб – уларнинг бир килограмми минглаб доллар турадиган “**енгил**” **товарлар** бўлиб, уларни ҳаво транспортида етказиш харажати маҳсулот якуний нархининг **1%**дан ҳам камини ташкил этади.

### б. Сувни тежаш ва барқарор ривожланиш

**Лаванда** пахтага нисбатан **3**-**5** баробар, **атир гул** эса **2**-**3** баробар кам сув сарфлайди. Прогнозларга кўра, **2030** йилга бориб ҳажми йилига **7 млрд м$^3$**га етиши мумкин бўлган сув танқислиги шароитида эфир мойли экинларни ривожлантириш нафақат иқтисодий, балки стратегик аҳамият касб этади. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бир қисмини **кам сув талаб қиладиган** ва юқори даромадли экинларга йўналтириш бир вақтнинг ўзида **сув ресурсларига** юкламани камайтириш, **аграр сектор** барқарорлигини ошириш ва мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш имконини беради.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

### в. Узоқ муддатли инвестициявий самарадорлик

Ҳар йили шудгорлаш, экиш ва бошқа агротехник тадбирларга харажат талаб этадиган анъанавий экинлардан фарқли равишда, **атир гул**, **лаванда** ёки **қалампир ялпиз** каби кенг тарқалган кўплаб эфир мойли ўсимликлар **кўп йиллик** ҳисобланади – уларнинг ҳаётий цикли **15** йилдан **20** йилгача давом этади. Шунга мувофиқ, капитал қўйилмаларнинг асосий қисми плантацияларни барпо этиш ва зарур инфратузилмани яратиш билан боғлиқ **дастлабки босқичга** тўғри келади. Плантациялар лойиҳавий қувватига чиққани сари ишлаб чиқариш рентабеллиги сезиларли даражада ортиб, узоқ давр мобайнида **барқарор даромад манбаини** таъминлайди.

### г. Янги компетенцияларни шакллантириш ва технологиялар трансфери

Парфюмерия ва косметика саноатини шакллантириш “нозик” кимё, молекуляр биология, эфир мойли экинлар селекцияси ва агротехнологиялари, парфюмерия композицияси, шунингдек, **GMP** ва **ISO** халқаро стандартларига мувофиқ замонавий сифат назорати тизимлари соҳасида **компетенцияларни** ривожлантиришни талаб этади.

Бунда яратиладиган илмий-технологик ва лаборатория базаси **тармоқлараро хусусиятга** эга бўлиб, фармацевтика, биотехнология ва озиқ-овқат саноатида ҳам фойдаланилиши мумкин.

### д. Юқори мультипликатив самара

Парфюмерия-косметика тармоғи юқори **мультипликатив салоҳиятга** эга бўлиб, **машинасозлик** маҳсулотларига (**экстракция** ва **дистилляция** учун асосий ускуналар), **шиша саноати**, **қадоқлаш** маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари ва дизайн хизматларига талабни рағбатлантиради, **асаларичиликнинг** ривожланишига кўмаклашади, шунингдек, **агро-** ва **экотуризмнинг** янги йўналишларини шакллантириш учун асос бўлади.

### е. Маданий брендни капиталлаштириш



**Моваруннаҳр** ҳудуди асрлар давомида **Буюк ипак йўлининг** муҳим бўғини бўлиб келган, у орқали зираворлар, хушбўй моддалар ва доривор ўсимликлар савдо йўллари ўтган. Ушбу тарихий-маданий меросдан маркетинг воситаси сифатида **оқилона** фойдаланиш премиум табиий парфюмерия ва косметика жаҳон бозорида ўз ўрнини эгаллай оладиган таниқли **миллий брендни** шакллантириш имконини бериши мумкин.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Умуман олганда, **Ўзбекистонда** парфюмерия-косметика саноатини ривожлантириш иқтисодиёт таркибини диверсификация қилиш, тайёр парфюмерия маҳсулотлари учун ингредиентлар импортига қарамликни камайтириш, **экспорт** номенклатурасини кенгайтириш, **сув танқислиги** муаммосини юмшатиш ҳамда миллий ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида **юқори қўшилган қийматга** эга товарлар улушини ошириш имконини беради.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

## *II. Жаҳон парфюмерия ва косметика товарлари бозори таҳлили*

Глобал парфюмерия-косметика саноати **кўп босқичли қиймат яратиш занжиридан** иборат бўлиб, унда ҳар бир сегмент ўз бозори, компетенциялар мажмуи, капиталга бўлган талаблари ва рақобат муҳитига эга.

Тармоқ тузилмаси қуйидаги кўринишга эга:

**1-босқич** – хушбўй экинлар етиштириш (атир гул, лаванда, жасмин ва б.);

**2-босқич** – экинларни эфир мойлари ва бошқа хушбўй маҳсулотларга бирламчи қайта ишлаш;

**3-босқич** – парфюмерия, косметика ва фармацевтика саноати учун ўсимлик экстрактлари (сиқмалари) ва фаол ингредиентлар ишлаб чиқариш;

**4-босқич** – формула ва композицияларни яратиш, тайёр парфюмерия-косметика маҳсулотларини ишлаб чиқариш;

**5-босқич** – маҳсулотларни глобал брендлар ва дистрибьюторлик тармоқлари орқали илгари суриш.

Яққол тасаввур қилиш учун бутун занжирни битта маҳсулот – **лаванда** мисолида кўриш мумкин:

**1-босқич** – фермер лавандани етиштиради ва йиғиб олади. Ушбу босқич маҳсулоти – янги ёки қуритилган **гул тўпламлари** бўлиб, уларнинг нархи бир тонна хомашё учун **300** дан **700 долларгача** ташкил этади;

**2-босқич** – гул тўпламлари буғ ёрдамида дистилляция қилинади ва натижада **лаванда эфир мойи** олинади. Тахминан **100 кг** хомашёдан қарийб **1 кг** мой чиқади. Унинг улгуржи нархи бир кг учун **100** долларга етади, кичик партияларда сотиладиган **премиум сертификатланган навлар** эса бир кг учун **220-260 доллар** баҳоланади;

**3-босқич** – мойдан ёки бевосита хомашёдан стандартлаштирилган компонентлар ажратиб олинади, масалан, **линалоол** ва **линалилацетат** (лаванда ҳидининг асосий молекулалари) ёки тиббий косметикада фойдаланиш учун **кафолатланган таркибга** эга тозаланган экстракт. Маҳсулот **сифат паспорти** ва такрорланувчан **кимёвий профилга** эга бўлади, унинг бир бирлик нархи эса бир неча баробар ортади.

**4-босқич** – парфюмер ёки косметолог лаванда мойи ёки унинг компонентларини **атирлар**, **кремлар**, **зардоблар** ёки **ароматерапия воситалари** рецептурасига киритади. Натижада ўз таркиби ва брендига эга тайёр маҳсулот яратилади;

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

**5-босқич** – таниқли тамға остидаги тайёр маҳсулот дўкон пештахтасига ёки онлайн-дўконга тушади, бу ерда унинг якуний нархи дастлабки хомашё қийматидан **ўнлаб** ва **юзлаб** баробар юқори бўлади.

Мавжуд табиий-иқлим шароитлари, иқтисодиёт таркиби ва технологик ривожланиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, **Ўзбекистон** учун энг реал стратегия ушбу қиймат яратиш занжирининг **дастлабки учта бўғинига** интеграциялашувдир – айнан шу сегментлар енгиб ўтиш мумкин бўлган **кириш тўсиғини**, анча юқори **экспорт салоҳиятини** ҳамда **технологик компетенцияларни** босқичма-босқич ошириш имкониятини таъминлайди.




Шу билан бирга, глобал парфюмерия ва косметика брендлари бозорларига чиқиш катта ҳажмдаги **инвестицияларни**, обрў-эътиборни шакллантириш учун **ўн йилликларни**, дистрибьюторлик тармоқларини қуришни ҳамда **LVMH**, **L'Oréal**, **Givaudan** ва **International Flavors & Fragrances** (**IFF**) каби трансмиллий корпорациялар билан рақобатлашишни талаб этади. Шу сабабли, ҳозирги босқичда ушбу сегментлар жорий саноат сиёсатининг амалий йўналишидан кўра кўпроқ узоқ муддатли истиқболни ифодалайди.


Парфюмерия ва косметика учун табиий ингредиентлар жаҳон бозори “**яшил**” кимё, ароматерапия, профилактик тиббиёт ва соғлом узоқ умр кўриш технологиялари (**Wellness**) трендлари билан қўллаб-қувватланаётган **барқарор ўсишни** намоён этмоқда.

Турли халқаро таҳлилий агентликларнинг баҳолашларига кўра, **2025** йилда эфир мойлари жаҳон бозорининг ҳажми **13**,**7** дан **28**,**3** **млрд долларгача** ташкил этади (**1**-расм).

Бунда аксарият прогнозлар ўрта ва узоқ муддатли истиқболда барқарор ўсиш динамикаси сақланиб қолишини кўрсатмоқда: **2034**-**2035** йилларга бориб бозор ҳажми **34**,**8**-**60**,**4** **млрд долларга** етиши кутилмоқда.

Эфир мойлари бозори билан бир қаторда, замонавий тиббий косметиканинг пойдевори ҳисобланган ўсимлик экстрактлари сегменти янада шиддатли динамикани намоён этмоқда. Экспертлар баҳолашича, **2025** йилда ушбу сектор **47,5** **млрд долларга** етади, **2035** йилга бориб эса унинг **85,3** **млрд долларгача** “портлашсимон” ўсиши прогноз қилинмоқда.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги




***1*-расм.** *Парфюмерия ва косметика учун табиий ингредиентлар глобал бозорининг жорий ва прогноз кўрсаткичлари,* ***млрд доллар***

Стандартлаштирилган фитокомплекслар, ўсимлик оқсил бирикмалари ва витаминларни ўз ичига олган **фаол косметик ингредиентларнинг** тор ихтисослашган бозори **2025** йилда **4,5 млрд долларга** баҳоланмоқда ва **2035** йилга бориб **8,7 млрд долларгача** ўсиш истиқболига эга.



Жаҳон талабининг географик тузилмаси нисбатан **барқарорлигича** қолмоқда. Энг йирик бозор – **Европа** бўлиб, унга глобал тушумнинг **43,4%**дан **49,4%**гача улуши тўғри келади. Минтақанинг етакчилиги, аввало, **Франция**, **Швейцария** ва **Германияда** кўп йиллик тарих ва анъаналарга эга **етакчи ишлаб чиқарувчиларнинг юқори даражада жамланганлиги**, шунингдек, истеъмолчилар ва бизнес томонидан табиий ва органик ингредиентларга барқарор талаб билан изоҳланади.

Шу билан бирга, **энг юқори ўсиш суръатларини Осиё-Тинч океани минтақаси** бозори намоён этмоқда – йилига **11%**. Бунга ўрта синфнинг кенгайиши, аҳоли даромадларининг ўсиши, электрон тижоратнинг ривожланиши, соғлиқ ва шахсий парвариш маҳсулотлари истеъмолининг ортиши ҳамда маҳсулотларга **анъанавий** тиббиёт элементларининг фаол жорий этилиши сабаб бўлмоқда.

Жаҳон бозорининг мамлакатлар кесимидаги таҳлили кўрсатадики, парфюмерия-косметика саноати тўғри стратегик жойлаштирилганда **экспорт яратишнинг анча самарали воситаси** ҳисобланади.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Жумладан, **Францияниng** парфюмерия-косметика экспорти умумий ҳажми йилига **28,8 млрд доллардан** юқори даражада сақланиб турибди. **АҚШ** ушбу тармоқдан **10,5 млрд долларгача** даромад олади. Улардан кейин **Хитой** (**4,2 млрд**), **Ҳиндистон** (**2,8 млрд**), **Туркия** (**1,8 млрд**), **Болгария** (**0,5 млрд**) ва **Марокаш** (**0,2 млрд**) туради. Бунда ушбу мамлакатларнинг ҳар бири ишлаб чиқариш занжирининг муайян бўғинларида жойлашган.

Бозорнинг товар таркибини таҳлил қилишда ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажмлари ва яратиладиган қиймат кўрсаткичларини фарқлаш муҳим. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича, шубҳасиз, **цитрус мойлари** – **апельсин**, **лимон** ва **лайм** мойлари устунлик қилади – уларга жаҳон бозорининг қарийб **42-43%**и тўғри келади.

Ҳажми бўйича **иккинчи** сегмент – жаҳон бозорининг қарийб **25-28%**ини ташкил этувчи **ўт** ва **зиравор мойлари**. Бу ерда асосий маҳсулотлар – **чой дарахти**, **қалампир ялпиз** ва **дала** ялпизи, **розмарин**, **мускат марвариди**, **тимьян**, **герань** ва **эвкалипт** мойлари.

Бироқ маҳсулот бирлигига тўғри келадиган тушум нуқтаи назаридан энг катта қийматни **гул мойлари** гуруҳи шакллантиради, гарчи унинг жаҳон ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши атиги **12-15%** атрофида бўлса-да.




Парфюмерия ва косметика саноатининг асосий ингредиентларидан бири бўлган **лаванда** ва **лавандин мойи** муҳим ўрин эгаллайди. Дунёдаги энг қиммат табиий хушбўй маҳсулотлар қаторига кирадиган ва премиум даражадаги маҳсулотларда қўлланиладиган **атир гул мойи** алоҳида ўринни эгаллайди. **Жасмин**, **нероли** ва **иланг-иланг мойлари** ҳам юқори нархи билан ажралиб туради.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

## *III. Ўзбекистон парфюмерия-косметика тармоғининг бозори ва салоҳияти*

Халқаро таҳлил агентликлари, жумладан, **StrategyHelix** ва **UN COMTRADE** ташқи савдо статистикаси порталининг маълумотларига кўра, **Ўзбекистоннинг** парфюмерия, косметика ва шахсий гигиена воситалари бозори барқарор **ўсиш динамикасини** намоён этмоқда. **2025** йилда унинг ҳажми **734,8 млн долларга** баҳоланмоқда, прогнозларга кўра эса **2030** йилга бориб **1 млрд доллар**дан ошиши мумкин.

Тайёр парфюмерия-косметика маҳсулотларининг расмий импорти **2025** йилда параллел ва “чакана-мокки” импорт каналлари орқали **Туркия**, **БАА** ва бошқа мамлакатлардан кириб келаётган маҳсулотларни ҳисобга олмаганда, йилига **360 млн доллар** кўрсаткичидан ошиб кетди.

Ўсишнинг асосий драйверлари энг даромадли сегментлар — **парфюмерия** ва **тери парвариши воситалари** бўлиб, уларга талаб ҳар йили ўртача **5-8%** га ортмоқда. Бозор ўсишини демографик ўсиш, аҳоли **даромадларининг ошиши**, истеъмолчи афзалликларининг бренд ва премиум маҳсулотлар томон силжиши, шунингдек, электрон тижоратнинг ривожланиши рағбатлантирмоқда.

**“IndexBox”** ва **“Euromonitor”** маркетинг агентликлари маълумотларига кўра, **қиймат ифодасида Ўзбекистонга** косметиканинг асосий расмий етказиб берувчилари **Польша**, **Жанубий Корея** ва **Германия** бўлиб, улар жами импортнинг қарийб **44%**ини таъминлайди. Жисмоний ҳажм бўйича **Жанубий Корея**, **Польша** ва **Туркия** етакчилик қилади. Оммавий сегментда бозорнинг салмоқли улушини **Россия** ҳам эгаллайди.

Мамлакатда парфюмерия-косметика саноатининг **айрим элементлари** аллақачон мавжуд – буларга маиший кимё ва шахсий гигиена воситалари ишлаб чиқарувчилари, маҳаллий ўсимлик хомашёсидан (ўрик, бодом, узум данаги ва пахта мойлари) фойдаланувчи кичик косметика брендлари, шунингдек, **импорт ингредиентларни** қадоқлаш ва улгуржи савдоси билан шуғулланувчи компаниялар киради.

Шу билан бирга, **эфир мойли экинларни** етиштириш бўйича айрим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Исроилнинг **DRTS** компанияси **Тошкент вилоятида 40 гектар** майдонда лаванда плантацияларини ривожлантирмоқда, **FHH Garden Flower** компанияси эса **Навоий вилоятида 500** гектар майдонда лаванда ва наъматак етиштириш бўйича лойиҳани амалга ошириб, йилига **25 минг литргача** эфир мойи ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Шу билан бирга, тармоқ ҳали ҳам шаклланишнинг **дастлабки босқичида** турибди: мамлакатда эфир мойларини саноат миқёсида **экстракция** қилиш ва уларни **чуқур қайта ишлаш** бўйича йирик қувватлар, оммавий ва премиум сегментлар учун стандартлаштирилган **хомашё базаси**, парфюмерларнинг **миллий мактаби** ҳамда халқаро бозорда рақобатлаша оладиган ўз брендлари мавжуд эмас.

Бугунги кунга қадар **Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти** олимлари томонидан ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларнинг қарийб **4 500 тури** қайд этилган бўлиб, улардан **600** тага яқин тури халқ ва далилларга асосланган тиббиёт томонидан расман **доривор** сифатида тан олинган. Бунда ўзбек флорасининг қарийб **10-12%**ини **эндемик ўсимликлар** ташкил этади.

**Ўзбекистоннинг** ноёб табиий-иқлим шароитлари – кескин мавсумий ҳарорат ўзгаришлари, қурғоқчил иқлим ва қуёш радиациясининг юқори даражаси – ўсимликларда биологик фаол моддаларнинг **юқори концентрацияда** тўпланишига хизмат қилади. Натижада кўплаб маҳаллий ўсимликлардаги **антиоксидантлар**, **флавоноидлар**, **эфир мойлари** ва бошқа қимматли бирикмалар миқдори кўпинча хорижий аналоглар кўрсаткичларидан юқори бўлади.



Масалан, **Ўзбекистонда** ўсадиган **мускат марвариди склареолнинг** юқори концентрациясига эга – бу ноёб спирт люкс парфюмерияда **кулранг амбра** ўрнини босувчи, дунёда энг харидоргир ҳид фиксатори – **амброксан** ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё сифатида фойдаланилади.



Баланд тоғли ҳудудларда, қуёш нурининг жадал таъсири ва намлик танқислиги шароитида ўсадиган **зизифора** каби ёввойи ўсимликлар таркибида **антиоксидантлар** ва **полифеноллар** кўп миқдорда тўпланади. Шу туфайли уларнинг экстрактлари **қаришга қарши**, **қуёшдан ҳимояловчи** ва **тикловчи** косметика ишлаб чиқаришда фаол ингредиентлар сифатида фойдаланилиши мумкин.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги



**Ферула**, аниқроқ айтганда, ундан олинадиган смола – гальбанум алоҳида қизиқиш уйғотади. У аччиқ-яшил ва смолали ҳиди билан ажралиб туради, **шувоқ** ёки **ёввойи ялпиз** билан уйғунликда анъанавий гул ва цитрус композицияларидан фарқ қиладиган янги мураккаб табиий ҳидларни фаол излаётган **L'Artisan Parfumeur**, **Christian Dior**, **Tom Ford**, **Chanel**, **Pierre Balmain** ёки **Gucci** каби **парфюмерия** ишлаб чиқарувчилари томонидан қўлланилади.

Феруланинг катта табиий захиралари мавжудлиги, унинг давлат муҳофазасида эканлиги ва ушбу ўсимликни маданийлаштириш ҳамда саноат миқёсида етиштириш бўйича амалга оширилаётган дастурларни ҳисобга олган ҳолда, мазкур йўналиш **Ўзбекистон** учун **алоҳида қизиқиш** уйғотиши мумкин.

Амалиёт шуни ҳам кўрсатадики, парфюмерия-косметика саноатида маданий контекст, анъаналар ва маҳсулотнинг келиб чиқиш тарихи – “**сторителлинг**” деб аталадиган омил муҳим **рақобатбардошлик омили** ҳисобланади.



Жумладан, француз парфюмерияси **ўн йилликлар** давомида ўз ўзлигини француз ҳаёт санъати, **Ўрта ер денгизи** романтикаси ва ўрта аср ҳунармандчилик анъаналари тимсолини ифодаловчи **Прованс** минтақаси ва **Грасс** шаҳри атрофида шакллантириб келмоқда.



Марокаш парфюмерия-косметика саноати **арган мойининг бербер қабилалари** ҳунармандчилиги маҳсули сифатидаги тарихини, шунингдек, ушбу маҳсулот хомашёси ўсадиган **саҳро** ва **Атлас тоғлари** тимсолларини муваффақиятли монетизация қилди.

Худди шундай тарзда **Жанубий Корея** **косметикаси** (**K-Beauty**) нафақат инновациялар, балки **шарқ тиббиёти**, табиий ингредиентлар ва кўп асрлик Осиё тери парвариши амалиётлари концепциясини илгари суриш ҳисобига жаҳон бозорини, жумладан, **Ўзбекистон** бозорини ҳам забт эта олди. **Ўзбекистон** учун “**сторителлинг**”нинг шунга ўхшаш воситаси аллома **Абу Али Ибн Сино**нинг илмий мероси ва **Буюк ипак йўли** тарихи бўлиши мумкин.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Маҳаллий агроиқлим шароитларидан келиб чиққан ҳолда **Ўзбекистонда** етиштириш учун яроқли эфир мойли экинлар орасида, аввало, **лаванда**, **лавандин**, **кашнич**, **Дамашқ атир гули**, **мускат марвариди**, **арпабодиён**, **зира**, **қалампир ялпиз**, **райҳон** ва **мелиссани** ажратиб кўрсатиш мумкин.

Эфир мойли экинларнинг агроиқтисодий кўрсаткичларини ўзбек агросаноат мажмуасининг анъанавий экинлари билан қиёсий таҳлил қилиш уларнинг ҳам **сув истеъмоли**, ҳам **даромадлилик** нуқтаи назаридан **икки томонлама устунлигини** яққол намоён этади.

Жумладан, **MDPI Agronomy** ва **ATTRA** ғарб агрономия нашрлари маълумотларига кўра, **Дамашқ атир гули пахтага** нисбатан **2**,**5** баробар, **буғдойга** нисбатан эса **20%** кам сув сарфлайди, бунда соф даромад пахтага нисбатан **5**,**6** баробар, буғдойга нисбатан эса **8**,**2** баробар юқори бўлади. **Лаванда** пахтага нисбатан **4**,**4** баробар кам сув сарфлайди ва даромадлилик бўйича ундан **икки баробардан** ортиқ устун туради. **Мускат марвариди** – кўриб чиқилаётган экинлар орасида энг кам сув талаб қиладигани – пахтага нисбатан **5** баробар кам сув талаб этади, даромадлилиги эса **2**,**5** баробар юқори.

Бунда келтирилган даромадлилик кўрсаткичлари базавий сценарийни акс эттиради – эфир мойини келиб чиқиш сертификатисиз ва якуний харидор билан тўғридан-тўғри муносабатларсиз, индикатив бозор нархларида **воситачи савдо тузилмалари** орқали сотиш.

Тўғридан-тўғри етказиб бериш каналларига эга **вертикал интеграциялашган моделга** ўтиш иқтисодий кўрсаткичларни тубдан ўзгартиради. Масалан, **Дамашқ атир гули мойи** ишлаб чиқарувчиси бир гектардан **1**,**0**-**1**,**5** **кг** эфир мойи олиб, уни трейдер орқали **6 000**-**7 000** **доллар**/**кг** нархда сотса, ялпи тушум бир гектардан **6** дан **10** **минг долларгача** бўлиши мумкин. Келиб чиқиш сертификати олинган ва якуний харидорга тўғридан-тўғри етказиб берилган тақдирда, худди шу партия **10 000**-**16 000** **доллар**/**кг** нархда сотилади.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, турли экинлар учун қўшилган қийматни максималлаштиришга турлича эришилади. Масалан, **Дамашқ атир гули** учун энг қимматли маҳсулот **2**-даражали маҳсулот – **атир гул мойи** (**Rose Otto**), **мускат марвариди** учун эса **3**-даражали маҳсулот – **амброксан** ҳисобланади.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Ушбу экинларни етиштириш нуқтаи назаридан **учта** агроиқлим кластери энг истиқболли кўринади: **Самарқанд**, **Қашқадарё** ва **Сурхондарё вилоятларининг** тоғолди ҳудудлари – Дамашқ атир гули ва мускат марвариди учун, **Навоий** ва **Тошкент вилоятлари** – лаванда ва лавандин учун, шунингдек, **Фарғона водийси** – кашнич, райҳон, ялпиз, арпабодиён ва зира учун.

Шу нуқтаи назардан, эфир мойли экинларнинг **кам сув талаб қилиши маркетинг активи** аҳамиятини ҳам касб этади. Бугунги кунда етакчи халқаро харидорлар таъминот занжирларига нисбатан ESG-талабларини изчил кучайтирмоқда, жумладан, **сув изини** – маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган солиштирма сув миқдорини тасдиқлашни талаб қилмоқда.

**Марказий Осиё** – сув танқис минтақасидан бўлган, ўз маҳсулоти учун хомашё етиштириш анъанавий қишлоқ хўжалиги аналогларига нисбатан **2**,**5**-**5** баробар кам сув сарфлашини ҳужжатлар билан тасдиқлай оладиган ишлаб чиқарувчи салоҳиятли буюртмачилар билан музокараларда **рақобат устунлигига** эга бўлади.




Шунингдек, Болгария тажрибаси яққол кўрсатиб турган **тармоқнинг мультипликатив самарасини** ҳам ҳисобга олиш лозим: жумладан, Американинг **doTERRA** компаниясига тегишли, қиймати қарийб **7 млн доллар** бўлган, йилига **20 тоннагача** эфир мойи ишлаб чиқарадиган **Болгариядаги** энг йирик **Esseterre** мажмуаси **90** нафар доимий ва яна **180** нафар мавсумий ходимни иш билан таъминлайди.

Корхона **70** тадан ортиқ фермер хўжалиги билан ҳамкорлик қилади. **Лаванда**, **мелисса**, **тоғ райҳони**, **бўймодарон**, **мойчечак**, **кашнич**, шунингдек, қишки даврларда корхона юкламасини таъминлайдиган импорт **ладан** ва **мирра**дан изчил фойдаланиш ҳисобига дистилляция йилига **250** кунгача олиб борилади. Мажмуа атрофида кўчат материаллари етказиб берувчилари, транспорт ва сервис компанияларидан иборат **тармоқ** ҳам шаклланган.

**Ўзбекистонга** нисбатан бу шуни англатадики, эфир мойи ишлаб чиқарувчи корхонадаги **битта доимий иш ўрни** эҳтиёткорона баҳолашларга кўра, занжирда яна **3**-**5** нафар бандликни таъминлайди: бевосита далачилик ва ҳосилни йиғиштириш, агротехник хизмат кўрсатиш, логистика, лаборатория назорати ва қадоқлашда.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Энг кўп меҳнат талаб қиладиган экин – **Дамашқ атир гули** учун бу коэффициент юқорироқ: гулбаргларни мавсумий йиғиш **20**-**25** кун давомида бир гектарга **4**-**5** нафар ишчини талаб этади, бу эса **1 000 гектарлик** плантацияда фақат гуллаш даврининг ўзида **4 000**-**5 000** та мавсумий иш ўрнини яратади.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

## *IV. Ўзбекистон учун парфюмерия-косметика тармоғининг жозибадорлиги ва унга тўсқинлик қилувчи омиллар таҳлили*

Тармоқнинг **жозибадорлигини** (**1**-**3**-даражаларда) ҳамда ўзбек ишлаб чиқарувчилари учун салоҳиятли **кириш нуқталарини** комплекс баҳолаш мақсадида америкалик иқтисодчи **М.Портернинг** классик “**Беш куч**” модели асосида таҳлил ўтказилди ва у қуйидагиларни кўрсатди:

**а. Янги иштирокчиларнинг кириши учун тўсиқлар:** ЮҚОРИ.

Агар эфир мойли экинларни етиштириш ва йиғиш (**1**-босқич) нисбатан **мўътадил инвестицияларни** талаб этса ва мавжуд фермер хўжаликлари негизида ташкил этилиши мумкин бўлса, **эфир мойлари**, ўсимлик экстрактлари ва ихтисослаштирилган ингредиентлар бозорига чиқиш (**2**- ва **3**-босқичлар) юқори **технологик** ва **регулятив талаблар** билан боғлиқ.

Жумладан, **ЕИ** ҳудудига йилига **бир тоннадан** ортиқ ҳажмда импорт қилинадиган ҳар қандай кимёвий модда, шу жумладан, табиий ўсимлик экстрактлари ва эфир мойлари **REACH** регламенти амал қилиш доирасига тушади. **REACH** рўйхатдан ўтказиш рақамини олиш қиймати **бир** модда учун **40 000 евродан** бошланиши мумкин.

Бундан ташқари, экспорт қилувчилар маҳсулотларни таснифлаш, тамғалаш ва қадоқлаш бўйича **CLP** регламенти талабларига, косметика маҳсулотлари хавфсизлиги бўйича **ЕИ Регламенти №1223/2009** қоидаларига, шунингдек, ишлаб чиқариш сифати, хомашёнинг келиб чиқиши, экологик барқарорлик ва тақиқланган компонентлар мавжуд эмаслигини тартибга солувчи **GMP** (**ISO 22716**), **COSMOS** ва **Ecocert** стандартлари талабларига риоя этишлари шарт.

**3**-босқичга ўтишда бозорга чиқишнинг мураккаблиги ва қиймати **кўп баробар** ортади. Бу ерда қўшимча тўсиқ сифатида бозорнинг ингредиентлар ишлаб чиқарувчи етакчи халқаро компаниялар, жумладан, **BASF**, **Evonik Industries**, **Croda International** ва **Ashland** кимё концернлари **патентлари** билан қатъий ҳимоя қилинганлиги намоён бўлади. Бу эса янги иштирокчилардан ё лицензиялар сотиб олишни, ё ўз рецептураларини узоқ муддатли ва қимматга тушадиган тарзда ишлаб чиқишни талаб этади.

**б. Харидорларнинг бозордаги ҳукмронлиги:** ЮҚОРИ.

Эфир мойлари харидорларини (**2**-даража) шартли равишда **учта гуруҳга** ажратиш мумкин:

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

– **биринчи гуруҳ** – “**Катта тўртлик**” деб аталувчи **Givaudan** (**Швейцария**), **Dsm-Firmenich** (**Швейцария**/**Нидерландия**), **IFF** (**АҚШ**) ва **Symrise** (**Германия**) компаниялари. Улар биргаликда тармоқ жаҳон бозорининг **60-65%** идан ортиғини назорат қилади ҳамда люкс атирлар учун ҳам, оммавий косметика, шампунлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари учун ҳам, масалан, **Unilever**, **Procter & Gamble**, **Nestlé** ва **L'Oréal** маҳсулотлари учун **формулалар** яратади.

Фаолият кўлами туфайли ушбу компаниялар катта **музокара кучига** эга бўлиб, етказиб берувчиларга нарх, сифат, кузатувчанлик ва ESG-талаблар бўйича шартларни белгилаб бериш имкониятига эга. Масалан, **Givaudan** компанияси ҳар йили дунёнинг **100** тадан ортиқ мамлакатидан умумий қиймати **3,8-4,0 млрд доллар** бўлган **10 000** турдан ортиқ хомашё сотиб олади, **3 000** тадан ортиқ хомашё етказиб берувчи билан ҳамкорлик қилиб, ўзи учун доимо энг қулай шартларга эришади ва етказиб берувчиларнинг бевосита “**қўлини қайириб**” олади.

“**Катта тўртлик**” билан бир қаторда табиий ингредиентлар бозорига айнан табиий хомашёга ихтисослашган яна **4** та элита компания – **Takasago** (**Япония**), **Sensient Technologies** (**АҚШ**), **Robertet** ва **Mane** (**Франция**) сезиларли таъсир кўрсатади.

Уларнинг **тасдиқланган етказиб берувчисига** айланиш учун ишлаб чиқарувчи ўз бизнес-жараёнларини буюртмачи талабларига тўлиқ мослаштирган ҳолда кўп ойлик, баъзан эса кўп йиллик технологик аудит ва комплаенс-назоратдан ўтиши лозим. Барча тасдиқлаш тартиб-таомилларидан ўтгандан кейин ҳам етказиб берувчилар йирик харидорларнинг нарх сиёсатига **қарам** бўлиб қолаверади, улар эса осонгина бошқа етказиб берувчиларга ўтиб кетиши ёки ҳатто уларнинг ишлаб чиқаришини сотиб олиши мумкин.

– **иккинчи гуруҳни** **New Directions Europe** (**Буюк Британия**), **Vitalforce Cosmetics** (**Нидерландия**), **Azba cosmetics** (**Германия**) каби ўрта бўғин косметика ишлаб чиқарувчилари ёки органик маҳсулот ишлаб чиқарувчилари – **Neal's Yard Remedies** (**Буюк Британия**), **Weleda** (**Германия**/**Швейцария**), **Jurlique** (**Австралия**), **Aveda** (**АҚШ**), **Lush** (**Буюк Британия**) ва б. ташкил этади. Улар янги етказиб берувчилар билан ишлашда **кўпроқ мослашувчанлик** намоён этади, муқобил хомашё манбаларини фаол излайди ва ҳамкорлик бўйича қарорларни **тезроқ** қабул қилади.



© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

– **учинчи гуруҳга** ароматерапия ва профилактик тиббиёт сегменти компаниялари киради. Бу ердаги энг йирик иштирокчилар – Америкaнинг **doTERRA**, **Young Living** ва **Plant Therapy** компаниялари. Улар хомашёнинг




келиб чиқишидан асосий обрў ва маркетинг активи сифатида фойдаланади ҳамда турли географик ҳудудлардаги ишлаб чиқарувчилар билан ўз ҳамкорлик моделлари асосида **узоқ муддатли шериклик** алоқаларини йўлга қўяди.

Жумладан, **doTERRA** компанияси ўзининг **Co-Impact Sourcing** дастури доирасида **45** тадан ортиқ мамлакатда фермерлар ва маҳаллий қайта ишлаш заводлари (**дистилляция корхоналари**) билан воситачиларсиз бевосита ишлайди: фермерларнинг кооперативларга бирлашишини рағбатлантиради, мунтазам тўловлар билан барқарор **харид нархларини** кафолатлайди ҳамда хомашёни мақсадли равишда ўсимликларнинг кимёвий таркиби энг қимматли бўлган **азалий ўсиш ареалидан** харид қилади.

Ўсимлик экстрактлари ва фаол ингредиентларнинг харидорлари (**3**-даража) юқорида тилга олинган **йирик кимё концернлари** – **BASF**, **Croda**, **Evonik**, **Ashland** бўлиб, улар ушбу маҳсулотлар асосида ўзларининг патентланган технологиялари бўйича муайян молекулаларни олади. Уларнинг бозордаги ҳукмронлиги ҳам бозордаги устун мавқеи туфайли **юқори** деб тавсифланади ва уни ноёб, такрорлаб бўлмайдиган экстрактларни таклиф этиш орқали қисман енгиб ўтиш мумкин.

**в. Етказиб берувчиларнинг бозордаги ҳукмронлиги:** ПАСТ – кенг тарқалган экинлар учун, ЮҚОРИ – **эндемиклар** (фақат муайян географик ва иқлим шароитларида етиштириладиган ўсимликлар) учун.

Парфюмерия-косметика саноати учун хомашё бозори етиштириш ва бирламчи қайта ишлаш даражаларида ўта **парчаланганлигича** қолмоқда, бу эса аксарият етказиб берувчиларнинг бозордаги ҳукмронлигини чеклайди. Уларнинг мавқеи об-ҳаво шароитлари, ўсимлик касалликлари ва ҳосилдорлик тебранишларига юқори даражада боғлиқлик туфайли янада заифлашади. Бунда ишлаб чиқариш иқтисодиёти кўп жиҳатдан ўсимлик массасини якуний экстрактга **айлантириш коэффициенти** билан белгиланади, у эса **ўнлаб** ва ҳатто **юзлаб** баробар фарқ қилиши мумкин.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги



Масалан, **1 кг Болгария атир гул мойини** олиш учун **3** дан **4 тоннагача** янги гулбарг йиғиш талаб этилади. Йиғим фақат қўлда, атир гулнинг қисқа “**гуллаш даври**” (йилига **20-25** кун) мобайнида эрталаб соат **4-5** да амалга оширилиши ва **бир неча соат** ичида қайта ишлаш заводига етказилиши керак, акс ҳолда гулбарглар “ачиб” қолади ва мой бузилади.

Натижада премиум сифатли атир гул мойининг улгуржи нархи **1 кг** учун **8**,**5**-**16 минг долларга** етади, шундан фермернинг фойдаси ҳатто яхши ҳосилда ҳам ишчи кучи, энергия ресурслари, плантацияни парваришлаш, амортизация ва йилнинг қолган қисмида деярли ишламай турадиган қайта ишлаш заводини (мавжуд бўлган тақдирда) сақлаш харажатларининг юқорилиги сабабли **10%**дан ошмайди.

Шу билан бирга, ҳатто бирламчи сиқиб олиш босқичида ҳам **юқори даромадли** хомашё ўрни мавжуд – бу клиник жиҳатдан исботланган, тўғридан-тўғри синтетик аналогларига эга бўлмаган ноёб, эндемик экстрактлардир. Уларга **Ҳиндистон** жанубидаги шу номли шаҳар атрофидаги ўрмонларда ўсадиган **Майсур сандали** ёки **Марокаш**нинг жануби-ғарбидаги қурғоқчил **Сус** минтақасида ўсадиган, қимматбаҳо **арган мойи** ишлаб чиқариш учун хомашё ҳисобланган ва **2010** йилда **муҳофаза қилинадиган географик кўрсаткич** (**PGI**) мақомини олган **тиканли аргания**ни киритиш мумкин.



Бунда **арган дарахти** мевасини қўлда йиғиш ва қайта ишлашга оид анъанавий амалиётлар, технологиялар ва ноу-хаулар расман **ЮНЕСКОнинг Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига** киритилган бўлиб, бу биргаликда арган мойининг жаҳондаги қийматини сезиларли даражада оширди ва ҳатто бозорга шу номдаги Исроил бренди – **Moroccanoil**ни олиб чиқиш имконини берди.



**г. Ўрнини босувчи маҳсулотлар таҳдиди:** ЎРТАЧА (ортиб бораётган).

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Парфюмериянинг оммавий сегментида эфир мойларининг анъанавий рақобатчиси нефть-кимё хомашёсидан олинадиган **синтетик хушбўй молекулалар** ҳисобланади. Уларнинг афзалликлари – таннархининг пастлиги, хусусиятларининг барқарорлиги, сифатининг юқори даражада такрорланувчанлиги ва иқлим омилларига боғлиқ эмаслигидир.

Бироқ энг жиддий таҳдидни **“оқ биотехнологиялар”**, аввало, табиий моддаларнинг зарур биоаналогларини ишлаб чиқариш учун микроорганизмлар (масалан, **ачитқилар**) ДНКсини модификация қилиш технологияларининг ривожланиши туғдирмоқда. Шу йўл билан **валенсен** (апельсин ҳиди) ва **нуткатон** (грейпфрут ҳиди) биомолекулаларини ишлаб чиқариш аллақачон ўзлаштирилган – улар бир вақтнинг ўзида ҳам **табиий**, ҳам “**яшил**” маҳсулот сифатида таснифланади, чунки уларни ишлаб чиқариш на экин майдонларини, на ўғитларни талаб қилади.

**д. Рақобат:** ЮҚОРИ.

Ушбу сегментдаги рақобат муҳити **капиталнинг** юқори даражада **жамланганлиги** ва қатъий географик **меҳнат тақсимоти** билан тавсифланади. Ушбу бозорга чиқишни режалаштираётган ўзбек ишлаб чиқарувчилари **икки гуруҳ рақобатчиларга** дуч келади:

– **премиум сегмент** (**Франция**, **Болгария**, **Туркия**) – ушбу мамлакатлар тарихан **лаванда** ва **парфюмерия учун Дамашқ атир гули** бозорини назорат қилиб келади. Уларнинг афзалликлари – кўп асрлик обрў, стандартларга бенуқсон мувофиқлик ва вертикал интеграция. **Biolandes**, **Robertet**, **Albert Vieille** ва **Enio Bonchev** каби йирик иштирокчилар парфюмерия уйларига шунчаки эфир мойларини эмас, балки келиб чиқишнинг рақамли паспортларига эга стандартлаштирилган, **тозаланган фракциялар** ва табиий косметик фаол компонентларни (**3**-даража) етказиб беради;

– **гигант ишлаб чиқарувчилар** (**Хитой**, **Бразилия**, **Ҳиндистон**) – ушбу мамлакатлар давлат субсидиялари, ривожланган хомашё ва технологик база ҳамда маҳсулотларга пастроқ нархларни сақлаб туриш имконини берадиган **миқёс самараси** ҳисобига рақобатлашади. Жумладан, **Ҳиндистон** табиий **ялпиз** ва унинг ҳосилалари жаҳон бозорининг қарийб **80%** ини назорат қилади.



© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

**Хитой эвкалипт мойи**, **герань** ва **камфора** бозорида мустаҳкам ўрнашиб олган, **Бразилия** эса шарбат ишлаб чиқаришда қўшимча маҳсулот сифатида оладиган **цитрус мойлари** сегментида мутлақ монополистдир.

Олинган маълумотларни умумлаштириб, қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

**1.** умуман олганда, парфюмерия-косметика саноати **Ўзбекистон** учун жозибадорлигига қарамай, юқори тўсиқлар ва рақобатга эга **мураккаб тармоқ** ҳисобланади;

**2.** эфир мойлари бозорининг ялпиз, эвкалипт ёки цитрус каби **оммавий сегментларида** рақобатлашиш **Ўзбекистон** учун **кам истиқболли** кўринади. Бу демпинг қиладиган ва фойдани “еб қўядиган” йирик ишлаб чиқарувчиларнинг устунлиги билан тавсифланади. Бундай шароитда маҳаллий экспорт қилувчилар объектив равишда на **таннарх**, на маҳсулотнинг **ноёблиги** бўйича рақобатлаша олмайди;

**3.** муқобил етказиб берувчилар сони чекланган **эндемик** ва **ноёб экинлар** анча жозибадор сегмент ҳисобланади. Шу билан бирга, тижорий хатарларни камайтириш мақсадида уларни жаҳон бозорида барқарор талабга эга экинлар – **лаванда**, **атир гул**, **герань** ва **мускат марвариди** билан уйғунлаштириб, мувозанатли экспорт портфелини шакллантириш мақсадга мувофиқ;

**4.** фақат эфир мойли экинларни **етиштириш** билан чекланиш паст маржиналлик, хомашё нархлари тебраниши ва иқлим омилларига юқори даражада боғлиқлик сабабли фойдасиз. Бундай шароитда тармоқни ривожлантириш **3**-даражагача “**пастдан юқорига**” **вертикал интеграция** тамойили асосида – қайта ишлаш қувватлари ва илмий-тадқиқот лабораторияларини бир вақтда яратиш, шунингдек, **халқаро сертификатлаш** тизимини жорий этиш орқали амалга оширилиши лозим;

**5.** тармоққа кириш тўсиқлари юқорилигини ҳисобга олиб, дастлабки босқичда экспорт стратегиясини шакллантиришда “**Катта тўртлик**”ка эмас, балки **ўрта сегмент косметика** ишлаб чиқарувчиларига ёки **ароматерапия** ва **профилактик тиббиёт** воситалари брендларига эътибор қаратиш реал кўринади – бу сотувни тезроқ йўлга қўйиш ва компетенцияларни тўплаш имконини беради;

**6.** табиий эфир мойлари бозорига чиқиш учун мавжуд “**имкониятлар дарчаси**” чекланган хусусиятга эга, чунки соҳа экспертларининг баҳолашларига кўра, яқин **10**-**15** йил ичида **биосинтез** технологиялари ўсимлик хомашёси билан жиддий рақобатлашиш учун етарли даражада ривожланади.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Бундан ташқари, бозорга чиқишда ўзбек экспорт қилувчилари катта эҳтимол билан яна **учта рақобатбардошлик тўсиғига** дуч келади, уларни тармоқ сиёсатини шакллантиришда ҳисобга олиш муҳим:

**а.** **Технологиклик** – барқарор кимёвий таркибни, аралашмалар, оғир металлар ва қолдиқ пестицидлар мавжуд эмаслигини таъминлайдиган, маҳсулотни дистилляция, экстракция ва тозалаш учун замонавий ускуналардан фойдаланиш зарурати;

**б.** **Кузатувчанлик** – кейинчалик йирик харидорларга чиқиш учун қўшимча инвестициялар жалб қилишга эҳтиёж қолмаслиги учун лойиҳалар ишга туширилишининг дастлабки босқичиданоқ “**даладан якуний маҳсулотгача**” тамойили бўйича маҳсулотнинг келиб чиқишини назорат қилишнинг рақамли тизимларини, жумладан, хомашёнинг келиб чиқиши, ишлаб чиқаришнинг экологик параметрлари ва ESG-талабларга риоя этилишини тасдиқлашни жорий этиш зарурати;

**в.** **Барқарор ҳажмлар** – сифат ва кимёвий таркиб хусусиятлари ўзгармас бўлган йирик маҳсулот партияларини узоқ муддат етказиб беришни таъминлай олиш қобилияти, бу эса **ягона ишлаб чиқариш занжири** доирасида хомашё ишлаб чиқарувчилари, қайта ишловчилар ва экспорт қилувчиларнинг **кооперациясини** талаб этади.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

## *V. Ўзбекистонда парфюмерия-косметика тармоғини ривожлантириш бўйича таклифлар*

**Ўзбекистонда** юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ва **глобал таъминот занжирларига** интеграциялашувга йўналтирилган **рақобатбардош** парфюмерия-косметика ва эфир мойлари саноатини шакллантириш учун қуйидаги **чора-тадбирлар мажмуини** амалга ошириш таклиф этилади:

**1.** Тармоқни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг яхлит тизимини яратишни назарда тутувчи ҳамда плантациялар майдони, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмлари, яратиладиган иш ўринлари сони, инвестицияларни жалб қилиш ва компетенцияларни ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни, вазирлик ва идоралар ўртасида масъулиятнинг тақсимланишини, шунингдек, аниқ тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатларини ўз ичига олган **2026-2035 йилларга мўлжалланган Парфюмерия-косметика саноатини ривожлантириш миллий дастурини** ишлаб чиқиш.

**Дастур 3 босқичга** бўлиниши назарда тутилмоқда:

**а. 2026-2028** йй. – **барқарор хомашё базасини шакллантириш** – эндемик ўсимликлар бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш, кўчатхоналар ташкил этиш, устувор эфир мойли экинлар плантацияларини барпо этиш, норматив базани яратиш ва хомашёни қайта ишлаш бўйича пилот лойиҳаларни ишга тушириш;

**б. 2029-2032** йй. – **индустриялаштириш ва чуқур қайта ишлаш** – эфир мойлари, экстрактлар ва ихтисослаштирилган ингредиентлар ишлаб чиқариш бўйича саноат қувватларини яратиш, тармоқ кластерларини шакллантириш, **GMP**, **ISO**, **COSMOS** ва **Ecocert** халқаро стандартларини жорий этиш, лаборатория инфратузилмаси ва экспорт савдо каналларини ривожлантириш;

**в. 2033-2035** йй. – **юқори даромадли бозорларга чиқиш** – косметик активлар, функционал ингредиентлар ва бошқа чуқур қайта ишланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш, етакчи парфюмерия-косметика компанияларининг **халқаро таъминот занжирларига** интеграциялашуви.

**I босқич**

**2.** Алоҳида бюджетга эга бўлган, эфир мойли экинлар ва табиий ингредиентлар соҳасидаги **Амалий тадқиқотлар миллий дастурини** ишга тушириш. Унинг доирасида **учта** ихтисослашган тадқиқот гуруҳини шакллантириш назарда тутилади: **Фанлар академияси** ҳузурида –

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

ботаника, селекция ва фитокимё йўналиши бўйича, **Тошкент кимё-технология институти** ҳузурида – экстракция, қайта ишлаш ва маҳсулотларни стандартлаштириш технологиялари соҳасида, **ТИҚХММИ** ҳузурида эса – агротехнологиялар, сувдан фойдаланиш ва механизациялаш йўналиши бўйича.

Дастурнинг асосий вазифаси тармоқни ривожлантириш учун **илмий базани** шакллантириш, жумладан, эндемик ўсимликларнинг тижорий салоҳиятини баҳолаш, эфир мойли экинларни етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, қайта ишлаш технологияларини такомиллаштириш ва **юқори қўшилган қийматга** эга янги маҳсулотлар яратишдан иборат бўлиши керак.

Дастуринг алоҳида устувор йўналиши – **Ўзбекистон** флорасининг энг истиқболли **50**-**80** та эндемик ва ноёб турини парфюмерия-косметика саноатида қўлланиладиган, талаб юқори бўлган биологик фаол ва хушбўй бирикмалар мавжудлигига **тизимли ўрганиш**ни (“**скрининг**”ни) ташкил этиш ҳамда уларнинг кимёвий таркиби ва тижорий салоҳияти бўйича **маълумотлар базасини** шакллантириш ҳисобланади.

Ишлар натижаси ишлаб чиқарувчилар ва инвесторлар учун ҳар йили янгиланиб бориладиган, устувор экинлар, етиштириш ҳудудлари, қайта ишлаш технологиялари ва истиқболли экспорт бозорлари рўйхатини ўз ичига олган **амалий тавсиялар** бўлиши лозим.

**3.** **Фанлар академияси** ёки **Тошкент кимё-технология институти** негизида **ISO** **17025** бўйича аккредитацияланган ва маҳсулотнинг кимёвий таркиби, аралашмалар, оғир металлар, қолдиқ пестицидлар миқдори ҳамда органолептик хусусиятларини назорат қилиш учун замонавий таҳлилий ускуналар билан жиҳозланган **Эфир мойлари ва табиий ингредиентлар бўйича миллий компетенциялар маркази** ва **референс-лабораторияни** ташкил этиш.

Лаборатория **учта** **асосий функцияни** бажаради: ўзбек ўсимликларининг кимёвий таркибини илмий тадқиқ этиш, экспорт қилувчилар учун партияларни тижорий таҳлил қилиш ва халқаро харидорлар томонидан тан олинадиган сифат сертификатларини бериш.

**4.** Халқаро маркетинг аудитини ўтказиш ва салоҳиятли харидорларнинг дастлабки портфелини шакллантириш.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Бунинг учун **Эфир мойлари ва хушбўй моддалар савдоси халқаро федерацияси** (**IFEAT**), **Болгария эфир мойлари миллий ассоциацияси** экспертлари, шунингдек, Европанинг етакчи ишлаб чиқарувчилари ва трейдерларини жалб қилган ҳолда консорциум тузиш таклиф этилади.

Аудит натижаларига кўра, аниқ **салоҳиятли буюртмачилар** ва стратегик инвесторларни (масалан, **doTERRA** компанияси) аниқлаш, улар билан тўғридан-тўғри музокаралар бошлаш ҳамда экин майдонларини кенг миқёсда кенгайтиришдан олдин камида **3**-**5** та **ниятлар тўғрисидаги битим** ёки ҳамкорлик тўғрисидаги **рамкавий битимлар** имзоланишини таъминлаш зарур бўлади.

**5.** Эфир мойли экинлар ишлаб чиқарувчилари ва қайта ишловчилари, шунингдек, ингредиентлар ишлаб чиқарувчилари учун солиқ ва божхона преференциялари, имтиёзли молиялаштириш, ускуналар харид қилиш ёки халқаро сифат ва хавфсизлик сертификатларини (**GMP**, **ISO 22716**, **COSMOS**, **REACH** ва б.) олиш учун давлат субсидияларини ўз ичига олган **рағбатлантирувчи чоралар пакетини** ишлаб чиқиш.

Хусусан, **Ҳиндистон** алоҳида “**Хушбўй миссия**” дастури орқали фермерлар ва кооперативлар учун дистилляция қурилмалари қийматининг **60%**дан **100%** гачасини қоплаб беради ҳамда кичик ва ўрта бизнесга кўчат материаллари харид қилиш учун микрокредитлар ажратади. **Болгария** Европа жамғармалари маблағлари ҳисобидан сертификатлаш харажатларининг **80%** гачасини субсидиялайди. Шунга ўхшаш ёндашувлар **Франция**, **Марокаш** ва эфир мойли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи бошқа етакчи мамлакатларда ҳам қўлланилади.

**6.** **Болгария**, **Туркия** ва **Марокашда** муваффақиятли қўлланилаётган “**таянч корхона – фермер**” тамойили асосида **Ўзбекистоннинг** бир нечта истиқболли ҳудудларида – турли экинлар, бироқ ягона операцион модель билан **пилот агросаноат кластерларини** ташкил этиш.

Ҳар бир кластер эфир мойли хомашёни қайта ишлаш бўйича **таянч корхона**, агрономия хизмати (**Туркия** ёки **ЕИ** мутахассисларини жалб қилган ҳолда), агротехнологияларни синовдан ўтказиш ва кадрлар тайёрлаш учун **намойиш плантациялари**, шунингдек, хомашё ишлаб чиқаришни ягона сифат стандартлари асосида таъминлайдиган, плантацияларининг умумий майдони **500** **гектаргача** бўлган **шартнома асосидаги фермер хўжаликлари тармоғини** ўз ичига олади.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

Мамлакатда шаклланган эфир мойлари саноати мавжуд эмаслигини ҳисобга олиб, дастлабки босқичда давлат пилот кластерлар ташкил этилишини **давлат-хусусий шериклик** механизми ёки лойиҳаларни **бевосита биргаликда молиялаштириш** орқали рағбатлантириши мумкин деб ҳисобланади.

**7. Парфюмерия-косметика саноати учун кадрлар тайёрлаш дастурини** ишга тушириш – **Туркия**, **Болгария**, **Франция** ва бошқа мамлакатларнинг етакчи хорижий таълим ва илмий марказлари негизида эфир мойли экинлар агрономияси, экстракция ва қайта ишлаш технологиялари, кимёвий таҳлил, парфюмерия ва косметик ингредиентларни ишлаб чиқиш йўналишлари бўйича ихтисослашган мутахассислар гуруҳини тайёрлаш.

Бунга параллел равишда **Тошкент кимё-технология институти** ҳузурида эфир мойлари, ўсимлик экстрактлари ва парфюмерия-косметика саноати технологиялари бўйича ихтисослаштирилган таълим дастурини (кафедрани) ташкил этиш ва кейинчалик унга илмий тадқиқотлар ҳамда тармоқ амалиётини интеграциялаш таклиф этилади.

**II босқич**

**8. Эфир мойли экинлар етиштириш ва уларни саноат миқёсида қайта ишлашни кенгайтириш** – халқаро харидорлар томонидан тасдиқланган талабга мувофиқ экин майдонларини босқичма-босқич кенгайтириш, шунингдек, мамлакатнинг асосий агроиқлим ҳудудларида эфир мойли хомашёни қайта ишлаш бўйича **2**-**3** та йирик агросаноат мажмуасини ишга тушириш.

Бу пилот лойиҳалардан **саноат миқёсидаги ишлаб чиқаришга** ўтиш ва мамлакатда тўлақонли қўшилган қиймат яратиш занжирини шакллантиришни бошлаш имконини беради.

**9.** Маҳаллий эфир мойлари негизида **стандартлаштирилган ўсимлик экстрактлари** ва **фаол косметик ингредиентлар ишлаб чиқаришни** йўлга қўйиш (**3**-даражага ўтиш) – кластерларни аниқ буюртмачилар талабларига мувофиқ белгиланган ва такрорланувчан кимёвий таркибга эга маҳсулот олишни таъминлайдиган **чуқур экстракция** қурилмалари (**$CO_2$** ва суюқлик экстракцияси) билан жиҳозлаш.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

**III босқич**

**10.** Ўзбекистон эфир мойли экинларини **ЕИ** тизимида (**PGI**) ва **Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотида муҳофаза қилинадиган географик кўрсаткичлар** сифатида рўйхатдан ўтказишни ташаббусини илгари суриш.

Пилот лойиҳалар сифатида “**Самарқанд лавандаси**”, “**Тошкент атир гули**” каби маҳсулотлар ва муайян табиий-иқлим шароитлари ҳамда ишлаб чиқаришнинг тарихий анъаналари билан тасдиқланган боғлиқликка эга бошқа хомашё турлари кўриб чиқилиши мумкин. Бу ўзбек эфир мойларининг жаҳон бозорида **танилишини** ошириш, уларни инсофсиз нусха кўчиришдан ҳимоя қилиш ва **қўшимча нарх устамасини** шакллантириш имконини беради.

**11. Эфир мойли кластерлар негизида агротуризмни** ривожлантириш – эфир мойли экинларни етиштириш билан боғлиқ ихтисослаштирилган туристик йўналишлар, жумладан, лаванда ва атир гул далалари, намойиш хўжаликлари, қайта ишлаш корхоналари ва тематик фестиваллар.

Болгариянинг **Карлово** ва **Казанлик** шаҳарларида ўтказиладиган **Атир гул фестивали** ёки Францияниг **Прованс** минтақасидаги **лаванда фестивалларини** каби ҳар йили **тармоқ тадбирлари** ва **фестивалларни** ўтказишга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Бу туристлар оқимини ошириш ва маҳаллий аҳоли учун қўшимча **даромад манбаларини** яратиш имконини беради.



Гул агротуризмини **асаларичилик** ва эфир мойли плантациялар негизида **премиум асал** ишлаб чиқариш билан уйғун ҳолда ривожлантириш мақсадга мувофиқ – бунга Францияниг **Прованс** минтақаси мисол бўла олади, у ерда **Валансоль** платосидан олинадиган **лаванда асали** “**қизил ёрлиқ**” деб номланган ўз сифат белгисига эга ва **Мишлен** юлдузли ресторанлар менюсига киритилган, ёки Болгариянинг **Атир гуллар водийси**, у ерда атир гул асали оддий асал нархига нисбатан бир неча баробар **юқори нархда** сотилади.

* * *

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги

**Уч босқичли** дастурни изчил амалга оширилиши, экин майдонларининг **4-5 минг гектаргача** кенгайтирилиши, **8-12** турдаги экинларни етиштиришни йўлга қўйилиши ва **3**-даражагача тўлиқ лойиҳавий қувватга чиқилган тақдирда, тармоқнинг **жами валюта тушуми** экспорт ва импорт ўрнини босишни ҳисобга олганда (маҳаллий ингредиентлардан фойдаланувчи **маҳаллий брендларни** босқичма-босқич ривожлантириш ҳисобига) **200-250 млн долларни** ташкил этиши ва келгусида **450-500 млн долларгача** ошириш имконияти мавжуд.

Бунда тармоқнинг ривожланиши жами **35 000-60 000** нафарга яқин кишининг **бандлигини** таъминлайди, шу жумладан, қайта ишлашда **2 000-3 500** та доимий иш ўрни, ҳосил йиғиш даврларида **7 500-13 000** та мавсумий иш ўрни яратилади, **турдош тармоқлар** – логистика, қадоқлаш, агрономия хизмати ва асаларичиликда **20 000-40 000** нафар аҳоли, шунингдек, туризм, фан, тадқиқотлар ва таълимда **3 000-6 000** нафарга яқин аҳоли банд бўлади.

© 2026. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ривожланиш ва ислоҳотлар агентлиги